Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№№ 97—98 (2634—2635)
1993 ЙИЛ 10 ДЕКАБРЬ
ЖУМА
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

## ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШИ АНЖУМАНИДА





## Бугунги сонда:

2-бет
**Тўртта кабоб деб...** бир ошнанинг жони савил кетди
3-бет
**Хизмат жойи — ички қўшинлар** рукни остида туркум хабарлар
4, 5-бетлар
**Ҳафталик телекўрсатувлар дастури**

## ДЎСТОНА ТАШРИФ



РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақилликка эришганлиги туфайли жамиятимизнинг барча соҳаларида, жумладан, Ички ишлар идоралари фаолиятида ҳам ижобий янгиланиш ва ўзгаришлар юз бермоқда. Бунда эркаклар билан бир сафда туриб, елкама-елка меҳнат қилаётган аёлларимизнинг ҳам хизматлари каттадир.

Маълумки, хотин-қизлар кенгашлари Ички ишлар идоралари шахсий таркибини, турли вазифаларда ишлаётган ходимларни, уларнинг оила аъзоларини аҳлоқий, маънавий тарбиялашда, ижтимоий, маиший, маданий масалаларни ҳал қилишда идоралар раҳбарларига доимо кўмак бериб келган.

Шу сабаб ҳам Ички ишлар идораларида бу соҳага жиддий эътибор билан қаралмоқда.

Яқинда Ички ишлар вазирлигида хотин-қизлар кенгаши фаолиятини янада жонлаштиришга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни ИИВ Касаба уюшмалари қўмитаси раиси Х. Жалилова очиб, йиғилганлар эътиборини ҳал қилиб олиниши керак бўлган масалаларга қаратди. Сўзга чиққанлар ички ишлар идораларида хотин-қизларнинг тутган ўрни, унга қўшаётган хизматлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Анжуманда Хотин-қизлар кенгашининг раиси ва унинг аъзолари сайланди. Республика ИИВ Хотин-қизлари кенгашининг раиси этиб вазирлик тергов бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси, милиция подполковниги Қурбонбиби Султонова сайланди.

Анжуман ишида Ички ишлар вазирлиги ШТИХ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Ў. Жўраев қатнашди ва нутқ сўзлади.

**Т. ҲОШИМОВ, З. ҚЎЗИБОЕВ.**

Суратда: анжумандан лавҳалар.

**Ҳ.ШОДИЕВ олган суратлар.**

## Қутлуғ кунга бағишланди

Маълумки, шу йилнинг 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги тантанали нишонлан ди. Шу қутлуғ сана муносабати билан республиқа Ички ишлар вазирлигида ҳам байрам йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда азиз меҳмон сифатида ташриф буюрган иқтидорли шоиримиз, Ҳамза номидаги давлат мукофоти совриндори Абдулла Орипов, Тошкент Ҳуқуқшунослик институти ректори, профессор Акмал Саидовлар байрам иштирокчиларига ҳаётимиз қомусининг қандай тайёрланганлиги, унинг маънавий афзаллик томонлари ва ҳаётга татбиқ этиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил гапириб бердилар.

— Ҳар бир мустақил давлатнинг рамзлари сифатида қараладиган байроқ, герб, мадҳия қаторига Конституцияни ҳам қўшиш шарт, — деди ўз сўзида А. Саидов. — Чунки Конституция давлатнинг Асосий қонуни бўлиб, қолган барча қонунлар Конституцияга мувофиқ равишда тузилади. Ҳар бир фуқаро давлат мадҳиясини ёд билишлари шарт бўлганидек, Конституцияни ҳам худди шундай ўзлаштириб олишлари заруратдир.

Шундан сўнг сўзга чиққанлар Асосий қонунимизни ҳаётга татбиқ этиш йўлида лозим бўлган барча ишларни бажаражакларини алоҳида қайд қилиб ўтдилар.

Байрам йиғинини таниқли санъаткорлар ажойиб чиқишлари билан безадилар.

Йиғилиш ишида ички ишлар Вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Ҳайдаров иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Яқинда Тошкентдаги 64-ўрта мактабда юқори синф ўқувчилари ҳамда педагоглар жамоасининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноятнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғининг муовини, милиция полковниги Илҳом Хилватов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда И. Хилватов ёшлар тарбиясига оид муаммолар хусусида маъруза қилди. У кейинги пайтда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган қонунбузарликларнинг кўпайгани ва унинг олдини олиш учун олиб борилаётган амалий тадбирлар тўғрисида алоҳида тўхталди. Лекин шу билан бирга кўпчилик ўқувчилар ҳуқуқий қонун-қоидаларни, ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари маълум бўлди. Шуни тан олиш керакки, нафақат ўспирин ёшлар, балки аксарият катта ёшдаги кишилар ҳам қонунчиликни яхши билишмайди. Йиғилишда жиноятларнинг кўпчилиги айнан шу қонунни билмаслик оқибатида содир этилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Учрашув сўнгида йиғилганларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Учрашув йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Афсуски кўпгина шаҳар, туман мактабларида мана шундай дилдан суҳбатлар камдан-кам ўтказиляпти. Бундан буён бу каби тадбирларга кўпроқ эътибор берилса, айни муддао бўларди. Бундай учрашувларни ўтказишдан мақсад битта, у ҳам бўлса — ёшларнинг ҳуқуқий билим савияларини янада оширишдир.

**А. АБДУРАҲМОНОВ.**

КЕЙИНГИ вақтларда турли мамлакатлардан ҳуқуқ-тартибот масалалари билан шуғулланувчи кўплаб мутахассислар республикамизда юритилаётган ишлар билан танишиш ва тажриба алмашиш мақсадида бирин-кетин ташриф буюрмоқдалар.

30 ноябрь куни Тошкент шаҳар ИИББга дўстона ташриф билан келган француз полицияси дивизион комиссари жаноб Николя Жиль бошчилигидаги гуруҳ ҳам айнан шу мақсадда эканлигини билдирди. Бизни, айниқса, ходимларни танлаш, уларни хизматга тайёрлаш, тақсимлаш ва маҳоратларини ошира боришлари борасида қандай ишлар олиб борилаётгани қизиқтиради, деди гуруҳ раҳбари.

Шундан сўнг меҳмонлар билан пойтахт ИИББ раҳбарияти ўртасида қизғин давра суҳбати бўлиб ўтди. Бош бошқарма бошлиғи, милиция генерал-майори К. Ғопуров шаҳардаги умумий вазият, ҳуқуқ-тартибот хизматидагиларга юклатилган масъулият ва Тошкент милициясининг тузилиши, фаолияти ҳамда олдиларида турган муҳим вазифалар билан қисқача таништириб ўтди. Айни вақтда жаноб Н. Жиль ҳам Франция полицияси ҳақида ўз фикрларини баён қилди. Суҳбатдан сўнг меҳмонлар Бош бошқарма Тергов хизматидаги ўқув-методик хонадан жой олган махсус кўргазмали қуроллар билан таништирилди. Шунингдек, ИИББ Жисмоний ва жанговар тайёргарлик марказида замонавий қуроллардан тўғри фойдаланишни ўрганиш, амалий ва назарий жанговар машғулотлар ҳамда кўргазмали чиқишлар намойиш қилинди. Бош бошқарма бошланғич тайёрлов мактабида эндигина хизматга олинган ходимларни билим-қобилият ва касб маҳоратларини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишишга имкон яратилди.

Франция полициясининг вакиллари ўзларига кўрсатилган эътибор ва кўмакдан ниҳоятда мамнун эканликларини билдириб, ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш истагида эканликларини маълум қилдилар.

**А. ХАЛИЛОВ.**

Суратда: учрашувдан лавҳа.

**Муаллиф олган сурат.**

## Икки жума оралиғида

### ГИЁҲВАНДЛИК АЛОҚАСИ

Фарғона тумани Миндонобод қишлоқ Кенгашида истиқомат қилувчи Ўринбой М. исмли шахс вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди. Бу шахсни милиция ходимлари жиноят устида, яъни гиёҳвандлик моддаларни ҳарбий хизматчиларга сотаётган вақтида қўлга олдилар. Унинг уйи кўздан кечирилганда 11 туп наша ўстирилаётгани ҳам аниқланди. Энди у ўз қилмишлари учун жавоб бериши табиий.

### МАГНИТОФОН ЎҒРИСИ

Фарғона шаҳар 1-милиция бўлимига фуқаро Ольга Короткихдан ариза тушди. Унинг аризасида кўрсатилишича, хонадонига ўғрилар кирган ва ОКА-120 магнитофонини ҳамда қимматбаҳо нарсаларини олиб чиқиб кетган. Зарарнинг умумий суммаси — 500 минг сўм.

Тезкор гуруҳ ходимлари ҳаракатга тушишди. Тезда бу нотаниш кимса аниқланди. У Фарғона кимё фуран бирикмалари заводидаги кечки мактаб ўқувчиси Владимир Н. деган шахс экан. Ҳозир ушбу иш юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

### ЯНА МАГНИТОФОНМИ?

Олтиариқ туманидаги "Қапчуғай" жамоа хўжалиги аъзоси Ботирали Соипов Қўқон бозорига ўз магнитофонини олиб келиб сотмоқчи бўлди. Тезда магнитофонга харидор ҳам топилди. 250 мингга баҳоланган магнитофонни харид қилган фуқаро пулни уйда бермоқчи бўлиб Ботиралини Қиргули туманидаги кўчалардан бирига олиб келиб, ҳозир биз пулни олиб чиқамиз деб, уйга киришиб ғойиб бўлишган. Кута-кута тоқати-тоқ бўлган Ботирали ўзини алданганини билиб Қиргули тумани ички ишлар бўлими ходимларига мурожаат қилган. Туман ички ишлар бўлимининг тезкор гуруҳи олиб борган текширув натижасида ушбу ишни қилган кишилар аниқланди. Улар марғилонлик Шавкат М. ва Зуҳро А.лар бўлиб чиқди.

### ПУЛ ТОПИЛДИ

Яқинда Қўқон шаҳридаги 14-ПМК ташкилоти хазинасидан тунда номаълум кишилар 479 минг 281 сўм пулни олишиб ғойиб бўлишган. Хазинахонани бу кимсалар калит танлаш йўли билан очиб ушбу ишни амалга оширишган. Тезкор гуруҳ ходимлари ишга тушишди. Гумондорлар текширилди, ўрганилди. Тахминлар охири бир йигитга бориб тақалди. Қидирув зое кетмади. Пул топилди. Уни ташкилот хазинасидан она сути оғзидан кетмаган мактаб ўқувчиси Сергей С. исмли йигитча ўмарган экан. Ҳозирда ушбу иш юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

**Саминжон ҚОРАБОЕВ,**
**Фарғона вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта нозири, милиция лейтенанти.**

# ТЎРТТА КАБОБ ДЕБ...

Равшан билан Шавкатнинг қорни очиб, кабоб егиси келиб қолди. Улар Тошкент автовокзалидаги ошхоналарнинг бирига киришди. Равшан чаққонлик қилиб, ташқаридаги кабобпозга тўртта кабоб "заказ" қилиб келди. Столга нон, чой келтиришиб, кабоб тайёр бўлишини кута бошлашди. Бир оз вақт ўтиб, Равшан кабобдан хабар олгани чиқди, бироқ кабобпоз Шуҳрат Мирзаолимов у буюрган кабобларни бошқа бировга сотиб қўйган эди. Равшаннинг жаҳли чиқди:

— Нимага ундай қилдинг, биз заказ қилгандик-ку!

Кабобпаз ҳам бўш келмади.

— Бақирма оғайни, кимсан ўзи, — деди паст тушмай унга жавобан.

— Ҳозир кўрсатаман кимлигимни, четга чиқайлик...

Кабобпоз ва хўранда хилватроқ жойга ўтишди. Ҳақоратлаш муштлашишга айланди. Равшан бақувват эмасми, Шуҳратнинг юзига бир-икки туширди, ётқизиб бошини асфальтга урди... Хуллас, терговчилар тили билан айтганда тан жароҳати етказилди. Равшан кимлигини кўрсатиб қўйди. Бу орадан тўрт кун ўтиб билинди. Равшан — қотил!

Ҳа, бу муштлашишдан тўрт кун ўтиб, Шуҳрат шифохонада жон берди. Врачларнинг айтишича, унда мия чайқалиши бўлган.

Тўртта кабоб деб икки ўртада жанжал чиқди, оқибатда бир инсон бу ёруғ жаҳон билан видолашди, Равшан эса 6 йилга озодликдан маҳрум этилди. Ўйлаб кўрилса арзимаган нарса, оддий, ўзаро муносабатнинг етишмаслиги: кабобпазнинг қатъиятлиги, хўранданинг озгина сабри. Агар шу нарса бўлганида ушбу жиноят содир этилмаган, кўнгиллар хижил топмаган бўларди.

**З. ШАРИФ.**

# *ИШ МАСЪУЛИЯТНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ*

**Жамоатчи мухбиримиз Тошкент шаҳар ИИББнинг Шайҳонтоҳур тумани ички ишлар бўлимининг Суриштирув бўлинмаси катта нозири, милиция майори Расулжон Тошпўлатов билан мулоқотда бўлди. Қуйида ана шу мусоҳаба билан танишасиз.**

**Мухбир: — Расулжон ака, сиз кўп йиллардан бери ички ишлар идораларида хизмат қилиб, тергов ва суриштирув соҳасида фаолият кўрсатиб келяпсиз. Касбингиз ва ишингиздаги мураккабликлар нималардан иборат!**

**Р.Тошпўлатов:** — Яқинда "Постда" газетасида ёритилган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги суриштирув бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Р.Вишняковнинг мақоласини ўқиб чиқдик. Унда суриштирув нимаю, унинг вазифалари нималардан иборат экани атрофлича ёритилган. Шу боис, мен ҳозирги енгил кўчмаётган шароитда қандай йўл тутсак, ишимиз бундан ҳам яхшиланиб, халқимизнинг олқишига сазовор бўламиз, шу борада ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Суриштирув бўлинмаларига келиб тушаётган ишларнинг аксарияти безорилик, қасддан тан жароҳати етказиш билан боғлиқ. Суриштирув олиб борувчилар айни шу тоифадаги ишларни тергов қилишда қийналишади. Сабаби аниқ: амалдаги қонунда ички ишлар бўлимига келиб тушган шикоят-аризаларни текшириб чиқиб, бирор-бир қонуний қарор қабул қилиш учун бор-йўғи 10 кун муҳлат берилган. Хўш, ана шу ўн кун ичида юқорида кўрсатилган воқеалар бўйича аризаларни атрофлича ҳал этишга улгуриб бўладими?

**Мухбир: — Бу борада жиддий муаммолар бор, демоқчимисиз!**

**Р.Тошпўлатов:** — Албатта. Оддий бир мисол. Яқинда Қ. исмли шахс тан жароҳати билан, яъни мияси чайқалиб, кўзлари кўкарган ҳолда касалхонага тушди. Текшириш натижасида Қ.нинг турмуш ўртоғи уни ўзаро можаро туфайли ургани маълум бўлди. Энди мен ушбу ҳолат бўйича на жиноий иш қўзғата оламан, на уни рад эта оламан. Боиси, жабрланувчига етказилган тан жароҳатининг қай даражадалигини аниқлаш зарур. Бунинг учун унинг касалхонадан чиқишини, кейин яна поликлиникада маълум муддат даволанишини кутишим керак. Сўнг унинг касаллик тарихини олиб, иш бўйича тиббий экспертиза тайинлашим лозим бўлади. Эксперт хулосаси айрим ҳолларда жабрланувчини бошқа мутахассислар иштирокида текшириб чиқишга ҳам боғлиқ бўлади. Бу ишлар камида бир ойга чўзилиб кетиши мумкин. Кўриниб турибдики, суриштирув ишларини олиб борувчилар ўзлари истамаган ҳолда қонунда кўрсатилган 10 кунлик муддатни бузишга мажбур бўладилар. Баъзи ҳолларда белгиланган муддатни бузмаслик учун, аризани пала-партиш, кўр-кўроналик билан ҳал этишга, аксарият ҳолларда эса ишнинг енгил кўчиш йўлларини қидириб, жиноий иш қўзғатишни рад этишга жазм қиладилар. Виждонимиз қийналади. Шу йўсинда ўзимиз қонун талабларини бузиб қўямиз ва бунинг оқибати яхшиликка олиб келмаслиги аниқ.

**Мухбир: — Суриштириш учун белгиланган муддат замон талаби даражасида эмас, деб ўйлайсизми!**

**Р.Тошпўлатов**: — Худди шундай. Устига-устак ЖМдаги айрим моддалар ўртасида деярли тафовут йўқ деса бўлади. Бу ҳам бир муаммо. Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 204-моддасида кўрсатилган "Безорилик" моддаси фикримга яққол мисол. Амалдаги қонунда ушбу модданинг 1-қисми билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий мажмуасининг 177-моддаси ўртасида айтарли фарқ йўқ. Агар оилавий жанжал негизида эр турмуш ўртоғини ножўя сўзлар билан ҳақоратласа, у майда безорилик қилган бўлади, ушбу ҳаракатни қилиб агар хотинига енгил тан жароҳати етказса борми, бу амалдаги қонун бўйича ашаддий безорилик ҳисобланади. Уни албатта, судга бериш керак. Ваҳоланки, иш судга етиб бормасдан жабрланувчи оиласи бузилишини ўйлаб қолади ёки турмуш ўртоғи ундан кечирим сўраганини, маҳалла фаоллари ўртага тушганини, уларнинг насиҳатини олганини айтиб, ишни бекор қилишни сўрайди. Турли далилларни важ қилади, ҳеч бўлмаганда ишни ҳаракатдан тўхтатиш учун турли ташкилотларга хат билан мурожаат этади. Натижада иш бекор қилиниб, айбдорни шунчаки ўртоқлик судига берамиз. Шу тўғримикан? Менинг назаримда "Безорилик" моддаси қайта кўриб чиқилиб, унга муайян аниқлик киритиш керак.

**Мухбир: — Сиз амалдаги қонунда ушбу ҳолатлар учун қаттиқ жазо чораси белгиланган демоқчимисиз!**

**Р.Тошпўлатов:** — Аксинча, мен қасддан қилинган жиноятга оғирроқ жазо турлари қўлланиши тарафдориман. Менинг таклифим оилада, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар ўртасида бўлган хоҳ безорилик, хоҳ тан жароҳати, хоҳ мол-мулк можароси бўлсин — бу ишлар юзасидан ариза билан маҳалла қўмиталарига мурожаат қилингани маъқул. Маҳалла фаоллари ҳар икки томонни обдан сўраб суриштирсин, иложи борича уларни яраштиришса, айбдорга нисбатан эса жамоатчилик таъсирини ўтказишса дуруст бўлади. Агар маҳалла аҳли у ёки бу сабабга кўра ишни кўра олмаса ёки маълум бир таъсир ўтказа олмаса, ундай ҳолда ишни милиция идораларига юборишса айни мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Мухбир: — Суриштириш ишларида тўсиқ, турли ишкалликлар пайдо бўлишига сабаб нима!**

**Р.Тошпўлатов:** — Айни кўнглимдаги гапни айтдингиз. Авваламбор оддий халқ милиция ходимларига ёрдам беришни хоҳламайди. Нимагадир ҳеч кимнинг гувоҳлик бергиси келмайди. Менимча бунинг асосий сабабларидан бири — амалдаги қонунимизнинг такомиллашмаганидадир. Суриштирувчилар (барча милиция ходимлари) авваламбор бирор-бир воқеа бўйича тушунтириш хати олишади, кейин ўша кўрсатма гапларни сўроқ протоколига кўчириш учун гувоҳни ички ишлар идораларига чақиришади. Кейинчалик ўша гувоҳни юзлаштириш ўтказишга яна чақиришади. Бундай оворагарчиликни, идорама-идора юришни ҳеч бир киши ҳоҳламайди. Суриштирувчи эса жиноий иш қўзғатмасдан сўроқ қила олмайди. Терговчилар ҳам бундан мустасно эмас. Бу тўғрида фикримча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал мажмуасининг тегишли моддаларини батафсил кўриб чиқиш ва инсон ҳуқуқига ҳеч қандай путур етказмайдиган, гувоҳларни ортиқча оворагарчиликдан халос этадиган ҳолатларни юзага келтирмоқ зарур. Шунда биз обрўйимизни оширган бўлар эдик.

**Мухбир: — Сизнингча суриштирувчилар қандай фазилатларга эга бўлишлари керак!**

**Р.Тошпўлатов:** — Тажрибали терговчилар менинг фикримга албатта қўшилишса керак, бир хилги оилавий низолардан келиб чиққан можаролар юзасидан қўзғатилган жиноий ишлар, айрим босқинчилик ёки мансабдор шахслар томонидан қасддан қилинган жиноий ишлардан кўра, бирмунча оғирроқ бўлади. Шу сабабли суриштирувчилар тайинланаётганда албатта уларнинг ёшига, оилавий аҳволи, қисқаси, кўпроқ ҳаётий тажрибасига эътибор бериш керак. Ҳали оила қўрмаган, кечагина дорилфунунни битириб ишга келган ходимлар, турмуш нималигини қаердан билишсин ахир.

**Мухбир: — Сиз кўпроқ оилавий ишлар тўғрисида тўхталдингиз, умуман, суриштирувга оид бўлган бошқа моддалар бўйича аҳвол қандай!**

**Р.Тошпўлатов:** — Яхши эслатдингиз. Суриштирув олиб бориладиган чайқовчилик, нафақа тўлашдан қасддан бош тортиш, маъмурий назорат қоидаларини бузганлик тўғрисидаги жиноятлар учун қонунда кўрсатилган 10 кунлик муддат керак бўлмасада, бу тоифадаги жиноий ишлар бўйича ҳам тергов олиб боришда айрим қийинчиликларга дуч келаяпмиз. Масалан: юқорида кўрсатилган жиноятларни содир қилган шахслар яшаш жойларини ўзгартириб, бошқа республикаларга кетиб қолишади. Уларнинг сўнгги турар жойини аниқлаш ва сўроқ учун чақиртириш энг чигал муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Яна ҳозирги кунда иш юзасидан қўшни республикаларга хизмат сафарига бориб келиш иқтисодимизга тўғри келмайди. Бундан ташқари, ўзга республикалардаги ҳамкасблар ёрдам қўлини чўзишни ҳамма вақт ҳам хоҳлашавермайди.

**Мухбир: — Муштарийларга тилакларингиз!**

**Р.Тошпўлатов:** — Аввалимбор истардимки, қайта ишланаётган Жиноий ва Жиноят процессуал мажмуаларида юқорида айтиб ўтган фикр инобатга олинса, бир амалиёт ходими сифатида хурсанд бўлардим. Чунки қонун қанча соддалаштирилса, унга риоя қилиш биз учун ҳам, халқ учун ҳам шунча осон бўлади.

Газетхонларга тилагим, биз осойишталик посбонлари хизматидан доимо шод, ташвишимизга ҳамдард бўлишсин.

**Суҳбатдош:**
**Сайфуддин РАҲМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси,**
**ИИВ суриштирув бўлими**
**катта нозири, милиция майори.**

# ЮНУСОБОДНИНГ БУГУНГИ КУНИ

Ҳозирги даврга келиб пойтахтимизнинг Юнусобод тумани жуда кенгайиб кетди. Бундай катта ҳудудда жамоат тартибини сақлаш осон эмаслиги ҳаммага маълум. Қайта қуришнинг дастлабки пайтлари Юнусобод ўзига хос талабчанлик уйғотадиган жойга айланаёзганини эслайлик. Лекин эндиликда жиноят жиловланмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўн ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан босқинчилик — 49, талончилик — 27, давлат мулкини ўғирлаш — 61, машина олиб қочиш — 55, хонадонлардаги ўғирлик 30 фоиз камайди. Тергов сифати ҳам яхшиланиб, суддан қайтадиган ишлар 70 фоиз қисқарди. Очилмай қолган жиноятлар ўтган йили 1076 та бўлса, бу йил 550 тага тушди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жиноятни жиловлаш учун Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари куну тун тиним билмадилар. Қонун бузиш ўтган йили сентябрь ойидан камая бошлади. "Тун", "Комплекс", "Ҳашар" номли тадбирлар яхши самаралар берди. Фаоллар кенгаши тузилди, суд, прокуратура, маҳалла комитетлари билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Юнусобод даҳасидаги деярли барча хонадонлар ўрганиб чиқилди. Натижада ноқонуний яшаётганлар, қочиб юрган жиноятчилар, фоҳишалар, совуқ қуроллар, гиёҳвандлик моддалари, ўғирланган буюмлар топилди.

Милиция қаттиқ тартибда ишлаётгани учун бошқа республикалардан келадиган гастролчи жиноятчилар қадами анча қирқилди. Чунки уларнинг кўпи қўлга тушмоқда. Масалан, яқинда катта гуруҳ ушланди, улар ёнидан қирқма милтиқлар, тўппончалар, тилла, пул топилди. Улар тўртта "Форд" машинаси олиб келиб сотиб, кўп миқдорда гиёҳвандлик моддалари харид қилган эканлар.

Лекин асосий эътибор жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилмоқда. Тумандаги корхоналарнинг деярли ҳаммаси қўриқлаш пультига уланди. Бу тадбир туфайли, юқорида айтилганидай, давлат мулкини ўғирлаш 61 фоизга камайди, демак, шунча жиноятни очишга сарфланадиган куч бошқа ишларга ташланди.

Ҳозир Юнусобод тумани ички ишлар бўлими бошқармаси таркибида иккита бўлим мавжуд. Бундан мақсад ҳам жиноятчиликнинг олдини олишдир. Сабаби, бўлимлар бевосита аҳоли яшайдиган ерга яқин бўлиб, ўз ҳудудидаги аҳволни яхши билади, зарур ҳолда керакли жойга тез етиб боради ва жиноятчиларнинг изи йўқолмасдан чора белгилайди.

Иккала бўлим ҳам Юнусобод даҳасида. Чунки даҳада 220 минг аҳоли яшамоқда — уни бамисоли улкан ётоқхонага қиёслаш мумкин. Кўп қаватли уйлардаги қўшнилар маҳаллалардагига нисбатан бир-бирига бефарқ. Яқинда бир мурда ваннада ўн кундан ортиқ қаровсиз ётибди.

Ҳозир учинчи бўлим ҳам ташкил этиляпти. Янги бўлим ТошГРЭС томонда жойлашади.

Тартиббузарликларнинг аксарияти жиноят қилиб озодликда қолган кишилар томонидан содир этилади. Шунинг учун ундайлар доимо милиция назорати остига олинган.

— Аммо жиноятчиликнинг олдини олишда бош омил инсонни ёшликдан қонунни ҳурмат қилишга ўргатишдир, — дейди Юнусобод тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Муҳиддин ака Отбосаров. — Нима учун мактабларда ҳуқуқ, қонунчиликка оид дарслар кўнгилдагидек ўтилмайди?

Дарҳақиқат, бирор одам "Бу аппарат ёки машинани тушунмайман, ўрганмаганман" деса, ҳеч ким бошқариш ёки тузатишга мажбурламайди. "Қонунни билмай шу ишни қилибман" деса-чи, жавобгарликдан озод этилмайди.

Энди юқорида айтиб ўтилган ишлар етакчиси ва ташаббускори Муҳиддин ака Отбосаров ҳақида икки оғиз сўз.

Муҳиддин ака халқ осойишталигини сақлаш йўлида 20 йилдан ортиқ меҳнат қилиб келмоқда. У иш фаолиятини Тошкент шаҳар ИИБ кадрлар бўлимида нозирликдан бошлади, сўнгра жиноят қидирув бўлимига ўтди. Акмал Икромов тумани ИИБ бошлиғи муовини, Республика ИИВ участка вакиллари фаолиятига раҳбарлик қилиш бўлими бошлиғи вазифаларини бажарди. Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғи муовини этиб тайинланди. Милиция учун қийин бўлган кунларда — 1990 йили Юнусобод тумани ИИБга бошлиқ бўлиб келди.

Ўз соҳасининг барча аччиқ-чучугини тотиб кўрган Муҳиддин ака бошқармани жонкуяр кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларни ўзларига муносиб жойга қўйиш, ишлаш ва яшаш шароитларини яхшилашга эътибор берди. У ишга келгандан бери ходимларнинг 97 таси уй-жой билан таъминланди.

Бошқарма милиция ходимлари ҳам ишлари билан шунга яраша жавоб бермоқдалар. Бошлиқ Аваз Ҳакимхонов, Музаффар Азизбоев, Сафар Юсупов, Мурод Ҳасанов, Абдурасул Томаков, Омон Эгамбердиев, Олим Бобохонов, Мирали Расулов, Илья Полешко, Фахриддин Мўйинов, Анвар Жўраев, Фарҳод Азизов, Баҳром Низомов, Комилжон Искандаров ва бошқалар тўғрисида фахрланиб гапирди.

— Албатта, муаммолар ҳам бор. Масалан, энди пул-валюта чайқовчилиги содир этила бошланди. Шу жиноят билан ҳар куни бошқармага қонунбузарлар келтирилмоқда. Иккинчи муаммо — собиқ совет республикалари ўртасидаги алоқаларнинг қийинлашгани. Республикамизда жиноят содир этган талай хавфли кимсалар Россия шаҳарларида қочиб юрибди. У ёққа юборилган телеграммаларга ҳафталаб жавоб олинмаяпти. Бориб жиноятчиларни тутиб келиш учун бирмунча муаммолар мавжуд, — деди у суҳбатимиз якунида. — Ўйлаймизки, вақти-соати етиб бу қийинчиликлар ҳам барҳам топади.

**Ориф ФАРМОНОВ,**
**"Постда мухбири.**

## *ХИЗМАТ ЖОЙИ — ИЧКИ ҚЎШИНЛАР*

# ОЛДИНДА — ЯНГИ ЧАҚИРИҚ

Бўлинма командири шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарининг хизмат вазифаларини қатъий қилиб чегаралаб бўлмайди. Бу вазифаларга нималар кирмаслигини айтиш осонроқ. Капитан Т. Холиқов ҳозирги вазифасида икки йилдан бери ишлайди, гарчи бу муддатни узоқ муддат деб атаб бўлмаса-да, ўз зиммасидаги муаммолар ва ташвишлар ҳақида ишбилармонлик билан сўзлайди, ҳар бир муайян ҳодисадан амалий хулоса чиқаришга ҳаракат қилади.

— Бизда республиканинг барча жойларидан келган йигитлар хизмат қиладилар. Очиғини айтиш керак — ички қўшинларда хизмат қилиш осон эмас, янги келганлар бошланишида кўп қийинчиликларга дуч келадилар. Биринчидан, куннинг қатъий белгилаб қўйилишига, интизомга кўникиш зарур. Доим ҳам бу жараён силлиқ бўлавермайди. Бунда, фикримча, хизматга чақирилгунга қадар оила, мактаб, меҳнат жамоасидаги тарбиянинг камчилиги катта. Йигитлар кўп ҳолларда ўз хулқ-атворлари, хатти-ҳаракатлари учун масъулият сезишга одатланган эмаслар.

Ёш жангчи янги вазиятга иложи борича тезроқ киришиб кетиши, улгайиши, бундан кейинги ҳаёти учун зарур бўлган кўникмалар ҳосил қилишига ёрдам беришни ўзимнинг асосий вазифам деб биламан.

Бунга турли йўллар билан эришилмоқда. Албатта, ўз ўғилларини кўриш учун бўлинмага келадиган ота-оналарнинг обрўсидан ҳам фойдаланамиз. Уларнинг насиҳатларини ҳарбий хизматчиларнинг ҳаммасига етказиш учун ҳаракат қиламиз. Ота-оналарнинг армияда виждонан ва муносиб хизмат қилиш кераклиги ҳақидаги панд-насиҳатлари жуда қимматлидир.

Бундан ташқари корхоналар жамоалари, маҳалла қўмиталари билан яқиндан ҳамкорлик қиляпмиз, маърузачиларни таклиф этяпмиз. Чунончи, кейинги вақтда Ўрта Осиё халқлари тарихи институтининг директори, тарих фанлари доктори Х. Бобохонов, уруш ва меҳнат фахрийлари шаҳар Кенгашининг аъзолари шахсий таркиб олдида сўзга чиқишди. Тикувчилар маданият саройининг бадиий ҳаваскорлари концерт кўрсатишди. Тошкент китоб-журнал фабрикаси жамоаси билан ўзаро фойдали ишни муносабатлар ўрнатилди. Барча тантаналаримизда маҳалла қўмитаси вакиллари меҳмон бўлмоқда, байрам оши тайёрлашни фаоллардан С. Тўйчиев доим ўз зиммасига олмоқда.

Муаммолар ҳам оз эмас. Масалан, ҳозирги вақтда ўзбек тилида ўқув-услубий адабиёт, кўргазмали қўлланмалар жуда оз чиқарилмоқда, бу эса, албатта, тарбия ишининг самарадорлигини пасайтирмоқда. Бизга хизмат қилиш учун асосан қишлоқлардан йигитлар келади, уларга хизматнинг турли жиҳатларига, уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларига тааллуқли бўлган ҳамма нарса ҳақида тушунарли, аниқ ахборот зарур. Бироқ Уставнинг ўзи очиқдан-очиқ етарли эмас, фикримча, шахсий таркибни тарбиялаш бўйича қўшимча материал қанча тезроқ пайдо бўлса, шунча яхши.

Хизмат эса давом этмоқда. Йигитлар ҳарбий хизмат асосларини, сафда туриш ва қуролдан фойдаланиш усулларини ўрганмоқдалар, соқчилик ва нарядларда ўз ўринларини эгалламоқдалар. Яқинда янги чақирилган йигитлар сафимизга келиб қўшилади — бинобарин, янги таассуротлар, янги учрашувлар ва янги муаммолар пайдо бўлади.

**А. СТЕПАНОВ.**



**Суратда: бўлинма командирларининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари (чапдан ўнгга) подполковник Р. Нуров ва капитан Т. Холиқов навбатдаги машғулотларнинг режасини муҳокама қилишмоқда.**

**Ҳ.ШОДИЕВ** олган сурат.

## Рекс ва унинг “хўжайини“

Александр Юдин болалигидан итларни яхши кўрарди, уларни ўйнатишни дўндирарди. Армия хизматига чақирилганда бу нарса унга қўл келди. У кинология хизматининг мутахассиси бўлди.

Олдинига Александрга енгил бўлмади. Унга ишониб топширилган Рекс аввалги хўжайинини ҳеч унута олмасди. Юдин қафас олдида соатлаб ўтириб, уни ўзига ўргата бошлади. Кейин ишлар тез юришиб кетди. Рекс содиқ, ишончли ёрдамчига айланди.

Александрга масъулиятли вазифа — объектни қўриқлаш топширилди. Рекс ўз мураббийси раҳбарлигида ҳуқуқ бузувчиларнинг ҳар қандай айёрликларини дарров билиб олишни ўрганди.

Бир куни объектдан чиқаётган вагонга жиноятчи бекиниб олиб қочмоқчи бўлади. У итнинг эътиборини ўзига тортмаслик учун солряркага чўмилиб олган эди. Александр ва унинг тўрт оёқли дўстининг ҳушёрлиги туфайли у ушланди.

Александр маҳорат орттирди, ўз кучларига ишонч ҳосил қилди. “Юдин билан Рекс бўлган жойда ҳуқуқ бузишларга йўл йўқ” деб бежиз айтишмайди.

...Тонг изғирин билан бошланди. Александр объектни кўздан кечира бошлади. Негадир ит ғингшиди. У бунга эътибор берди. Итни ахлат уюми қизиқтириб қолган эди. Уюм ёнидан ўтаркан, Юдин кескин тарзда орқасига ўгирилди. Ўша заҳоти ҳуқуқ бузувчининг уни диққат билан кузатиб турганига кўзи тушди. Маълум бўлишича, у ахлат уюмига кириб олган экан.

Хизматдошларининг маҳорат сирлари ҳақида қизиқиб сўрашларига Александр доим бир хилда жавоб беради: “Ҳаммаси жуда оддий. Ўз ишингни севсанг кифоядир“.

Заҳирага бўшатиш пайти келди, айни шу сабабдан оддий аскар Юдин муддатдан ташқари хизматда қолдирилишини сўраб билдирги ёзди. Ҳозир прапоршчик Александр бўлинмадаги қидирув итлари хизмати катта йўриқчиси. Уни тез-тез ёш хизматдошлар орасида кўриш мумкин. Зеро унинг тажриба ва билимлари айни уларга зарур. Ўз ишини чинакамига севувчиларгина ютуққа эришадилар.

# ЁРҚИН ХОТИРА

Кичик сержант Ғ. Раҳимовнинг хизматдан заҳирага бўшатилишига оз вақт қолди. Лекин билим ва тажрибаларини дўстларидан аямагани учун ҳозирда турли бўлинмаларда хизмат қилаётган кичик командирлар Раҳимовни узоқ вақт эслаб юрадилар.

— Бўлинма, саф тортинг! — баланд овозда буйруқ берди ўрта бўйли йигит. —Ўзимни таништирай — бўлинма командири, кичик сержант Раҳимов Ғайрат Абдурасулович.

Унинг бўлинмадаги хизмати ана шундай бошланганди. Энди шахсий таркибни тарбиялаш ва ўқитиш, аскарларнинг ҳамма буйруқларни қатъий бажаришлари учун масъулият унинг зиммасига тушган эди.

Раҳимов ўзига обрў келтирган, ҳурматга сазовор этган кўникма ва маҳоратга бирданига эришгани йўқ. Унинг ўзи хизмат даври қандай бошланганини шундай эслайди.

— Ҳамманинг менга қулоқ солиб туриши, барча буйруқларимни бажариши ғайриоддий бўлиб туюлган эди. Кейинроқ англаб етдимки, ҳар бир аскарнинг дилидагини тушуниш, уни нима ҳаяжонлантираётганини, ички дунёсини билиш, унинг ҳақида ғамхўрлик қилиш маҳорати командир учун асосий хислат бўлиши керак экан. Фақат шундагина шахсий таркиб буйруқни аниқ ва тез бажаришга, бунда оқилона ташаббус кўрсатишга қодир бўлади.

Ғайрат қўл остидагиларига ўргатиб бораркан, айни вақтда ўзи ҳам сабоқ олди. Баъзида хатоларга йўл қўйди. Ана шунда устозлари — взвод командири, муддатдан ташқари хизмат қилаётган катта сержант Х. Нуъмонов ва ҳозир заҳирада бўлган катта сержант М. Якшимовлар ёрдамга келардилар.

Натижа ҳам тезда кўзга ташланди. Ғ. Раҳимовнинг бўлинмаси энг яхши бўлинмалардан бирига айланди ва у кўп ўтмай взвод командирининг ўринбосари этиб тайинланди.

— Бугунги кунда Ғайрат ротамиздаги энг яхши сержантлардан бири, — дейди бўлинма командири, капитан А. Мамазокиров. — Бунинг исботи сифатида шуни қўшимча қилиш мумкинки, яқинда тугалланган якуний текширишда взвод жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича юқори натижаларга эришди. Аълочилар орасида оддий аскарлардан С. Ҳасанов, Б. Ғофуров, А. Ванькин, Х. Шокаримов ва бошқалар бор.

### *ОДДИЙ АСКАР Х. ШОКАРИМОВ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ*

— Спорт билан илгари жиддий шуғулланган эмасдим. Хизматга келганимда турникда айлана олмасдим. Командиримиз ҳар куни менга ёрдам берди, бир неча марта машқни бажариш йўлларини ўзи кўрсатди, маслаҳатлар берди. Натижада машқни аъло даражада бажара оладиган бўлдим.

Ўз взводи билан объектини қўриқлашга чиқаркан, кичик командир ҳеч қачон эътиборини сусайтирмайди. Бир куни подстанция бузилиб қолди. Чироқлар ўчди, шаҳарча зулматга чўмилди. Шунда кичик сержант Ғ. Раҳимов ўз бўлинмасини тревога билан оёққа турғазди, постларни қўриқлашни кучайтирди, шахсий таркибнинг хизматни ҳушёрлик билан олиб боришига эришди.

Ички қўшинларга чақирилгунга қадар Ғайрат меҳнат қилган касб балки ундаги аниқ ва пухта ишлаш хусусиятларини тарбиялагандир. У Янгиер шаҳридаги бухгалтерия билимгоҳини тугаллаган. Заҳирага кузатилиб уйига — Сирдарё вилоятидаги "Ховос" совхозига қайтгач, ўз ихтисослиги бўйича ишлаш тўғрисида ўйламоқда.

Хизмат бурчига виждонан муносабатда бўлиш ва уни пухта бажариш Раҳимовлар оиласига хос хусусиятдир. Унинг акалари Шавкат ва Шуҳрат армияда намунали хизмат қилиб келиб, ҳозир совхозда ишламоқдалар. Меҳнат фахрийси Абдурасул ака Раҳимов ўз ўғилларидан мамнун.

Кичик сержант Ғ. Раҳимовнинг уйга қайтишига жуда оз вақт қолди. Лекин уни командирлари ҳам, хизматдош ўртоқлари ҳам албатта эслаб юришади. Зеро у мураккаб вазиятларда доим ёрдамга келар, билим ва тарбия беришдан ўзини олиб қочмас эди.

"Ҳаётимиз ва хизматда ғамхўр командир қолдираётган из ҳеч қачон хотирамиздан ўчмайди", — таълимнинг ёзги даври учун имтиҳонларни муваффақиятли топширган аскарлар Ғ. Раҳимов ҳақида шундай демоқдалар.

**Ш. КАРИМБОЕВ.**

## *ҚИСҚА ХАБАРЛАР*

**... Кеч тушди. Кишилар тўпланиб турган бекатга маршрут билан юрувчи автобус келиб тўхтади. Ундан ҳеч ким тушмади, бекатдагиларнинг ҳаммаси автобусга чиқишди. Лекин бир киши автобусга чиқмади. Патрулдагилар ҳалиги киши уларни кўриши билан бекат павильони орқасига бекинишга ҳаракат қилаётганига эътибор беришди. Патрулда бўлган А. Омонов ва А. Юсупов унга яқинроқ келишганда, унинг белгилари милиция томонидан қидирилаётган жиноятчи билан бир хилдалигини кўрдилар. Рация орқали ўша заҳоти машина чақирилди ва жиноятчи милиция бўлимига олиб кетилди.**

***

**Патруль бошлиғи оддий аскар И. Абдуллажонов ва унинг шериги А. Қутлимуродов учун бу оқшом осойишта бошланди. Бироқ соат тўққизларга яқин рациядан хабар қилишди: бир кишини тўнашган, жиноятчилар қочган. Уларнинг белгилари хабар қилинди. И. Абдуллажонов ўша заҳоти қидирувнинг қисқача режасини тузиб чиқди.**

**Бироздан сўнг кўчада бир кишини учратишди. Унинг ташқи кўриниши ва кийими қидирилаётган кишилардан бирининг белгиларига жуда ўхшаб кетарди. Уларнинг эътибор беришидан хавотирланган бу шахс тўсатдан орқасига қараб қочиб қолди. И. Абдуллажонов бир зумда унга етиб олди. Саноқли дақиқаларда сўнг у милиция бўлимига келтирилди.**

***

**Соқчи Д. Одамбоев хизмат вазифасини бажараётган эди. Қўриқланаётган объектга тун пардаси қўнди. Шу пайтда у наряд юрадиган йўл томондан қоронғиликда шубҳали шитирлашларни эшитди. Соқчи Уставга қатъий амал қилиб, соқчилар бошлиғига воқеа ҳақида хабар етказди ва кўп ўтмай кўрсатилган жойга қўриқланаётган объект ходимлари келишди. Махсус жиҳозланган бошпанада улар озодликдан маҳрум этиш жойидан қочишга тайёргарлик кўрган қамоқдаги кишини ушладилар.**

# БЎЛИНМАНИНГ “БЕШ“ БАҲОСИ

“Жангга!“ деган буйруқ янграган ва кичик сержант Рашид Абдуллаев ўт очиш маррасига қараб интилди. Жангчи тезда ерга ётган ҳолда ўқ отиш учун тайёрланди, машқни бажариш учун шу ҳолати қулай ёки қулай эмаслигини текширди, қуролни қўлига олди ва патрондонга патронни етказиб қўйди.

— Жангга тайёрман!...

Нишон қилинган далада “душман“ кўринди. Қисқа қилиб узилган ўқ уни қулатди. Янги “душман“лар пайдо бўлди – улар ҳам йўқ учради.

– Аъло натижа! – текширувчи кичик сержантнинг натижасини шундай деб баҳолади. Рашид автоматдан ўқ отишга доир ўқув машқларини взводда биринчи бўлиб бажарди. Шу заҳоти бўлинманинг ютуқларига беш баҳо келиб қўшилди.

Абдуллаевдан кейин оддий аскар Хуршид Иброҳимовнинг навбати келди. Рашиддан ўртоқларининг кўнгли хотиржам эди – тажрибаси бор, бир ярим йилдан бери хизмат қилади, лекин Хуршиднинг юқори баҳо олишига кўпчиликнинг кўзи етмасди. Тўғри, ана шу имтиҳондан аввалроқ ўтказилган назорат-текшириш машғулотларида Иброҳимов ишонч билан ҳаракат қилган эди. Бироқ унда одатдаги шароитда машғулотлар ўтказилган эди. Бугун эса якуний машғулотлар. Лекин хизматдошларининг шубҳалари бир лаҳзада тарқалди. Ўқ отишга тайёрланиш бўйича дастлабки имтиҳонда Хуршид шараф билан ўтди.

Кичик сержант Абдуллаев билан оддий аскар Иброҳимовларнинг муваффақияти ҳамманинг кайфиятини кўтариб юборди. Улар бирин-кетин ўт очиш маррасига ишонч билан йўл олдилар. Бўлинманинг бутун шахсий таркиби аъло натижаларни қўлга киритди.

Масалан, Шоасил Шокаримов атиги бир неча ой аввал ўқ отишга тайёргарлик бўйича фақат қониқарли баҳо олиб келган эди. Бугун у чинакам маҳоратни намойиш этди. Албатта, бунда унинг тер тўкиб машқ қилгани катта аҳамиятга эга бўлди. Лекин энди хизматга келган аскарга тажрибали ўртоқлари ёрдам берганини айтмасдан бўлмайди.

Машғулотлардан сўнг текширувчининг дастлабки якунлари чиқарилди. Офицер С. Қашқулов: ўқ отишга тайёргарлик бўйича бўлинма “аъло“ баҳо олди, деб таъкидлади.

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# СУДЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши ўтган сонда).

**50-модда. Олий хўжалик суди Пленуми котиби**

Олий хўжалик суди Пленумининг котиби судьялик вазифасини бажариш билан бирга Пленум йиғилишини тайёрлашга, мажлис баёни юритишга доир ишларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди, Пленум қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

**51-модда. Олий хўжалик суди Раёсатининг таркиби**

Олий хўжалик суди Раёсати Олий хўжалик суди судьяларидан Олий хўжалик суди Пленуми белгилаган миқдорда тузилади.

Олий хўжалик суди Раиси ва унинг ўринбосарлари Раёсат таркибига лавозимлари бўйича кирадилар.

Раёсатнинг йиғилиши ойида камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

**52-модда. Олий хўжалик суди Раёсатининг ваколатлари**

Олий хўжалик суди Раёсати:

ишларни назорат тартибида кўради;

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар хўжалик судлари раисларининг хўжалик судлари ишларини ташкил қилиш ҳақидаги маърузаларини эшитади;

хўжалик судлари, Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил қилишга оид масалаларни кўради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**53-модда. Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари**

Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари ишларни биринчи инстанцияда ва қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тартибида Хўжалик-процессуал кодекси ва ушбу Қонунда назарда тутилган қоидаларга биноан кўради.

**54-модда. Олий хўжалик суди Раиси**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раиси:

Олий хўжалик суди фаолиятига ташкилий раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протестлар киритади;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорларининг ижросини тўхтатиб туради;

суд амалиётини умумлаштириш, шунингдек Олий хўжалик суди Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ишларини ташкил қилади;

ишларни республиканинг бир хўжалик судидан иккинчи хўжалик судига олиб бериш масаласини ҳал қилади;

Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсатини чақиради, уларнинг мажлисида раислик қилади;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

Олий хўжалик суди Пленумининг дастурий кўрсатмалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Олий хўжалик суди Пленумига тақдимнома киритади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини шарҳлаб бериш ва норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимнома киритади;

Олий хўжалик суди Пленумига судлов ҳайъатларининг таркиби, уларнинг раислари ҳақида, Олий хўжалик суди Раёсати ҳамда Судьяларнинг малака ҳайъати таркиби тўғрисида тақдимнома киритади;

хўжалик судлари судьялигига номзодлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатади;

Раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Олий хўжалик суди ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**55-модда. Олий хўжалик суди Раисининг ўринбосарлари**

Олий хўжалик суди Раисининг ўринбосарлари:

Олий хўжалик судининг, хўжалик судларининг хўжалик низоларини ҳал этиш бўйича судлов ҳайъатлари чиқарган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритадилар;

Олий хўжалик суди судлари, ажримлар ва қарорлов ҳайъатларининг мажлисларида раислик қилишлари мумкин;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб оладилар;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб турадилар;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қиладилар;

вазифа тақсимотига мувофиқ Олий хўжалик судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қиладилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Олий хўжалик суди Раисининг йўқлигида унинг ваколатини Раис ўринбосари амалга оширади.

**56-модда. Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари раислари**

Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларининг раислари:

судлов ҳайъатлари ишини ташкил этадилар ва уларнинг мажлисларида раислик қиладилар;

Олий хўжалик суди Раёсати ва Пленумига судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида маърузалар тақдим этадилар;

суд амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб оладилар;

судьяларнинг малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этадилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

## 2-БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК СУДИ, ВИЛОЯТЛАР ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ

**57-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди таркиби**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди — раис, раис ўринбосарлари, судьялардан иборат.

Зарур ҳолларда судлов ҳайъатлари тузилиши мумкин.

Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шаҳар хўжалик судлари ташкил этилиши мумкин.

**58-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди ваколатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанцияда ва назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштиради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**59-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг, вилоят хўжалик судининг раиси**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг раиси, вилоят хўжалик судининг раиси:

суд фаолиятига раҳбарлик қилади;

суд ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар устидан қонунда белгиланган доирада ва тартибда протестлар киритади;

судлов ҳайъатлари мажлисларида раислик қилиши мумкин;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

судлов ҳайъатлари бўлмаган хўжалик судларида қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширади;

раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди;

судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини оширишга доир ишларни ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишларини уюштиради;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

хўжалик судининг ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**60-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари:

тақсимотга мувофиқ суд ишига раҳбарлик қилади;

судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилиши мумкин;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

судлов ҳайъатлари бўлмаган хўжалик судларида қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширади;

суд раиси йўқлигида унинг ваколатини амалга оширади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

# ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. СУДЬЯЛАР МАҚОМИ

## 1-БОБ. СУДЬЯЛАР, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

**61-модда. Судьялар мақомининг бирлиги**

Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эгадирлар ва фақат ваколатлари ҳамда ҳуқуқ доираси бўйича ўзаро фарқланадилар.

**62-модда. Судьяликка номзод ва халқ маслаҳатчилигига номзодга қўйиладиган талаблар**

Ўзбекистон Республикасининг 25 ёшга тўлган, олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган, малака имтиҳонини топширган фуқароси туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси этиб тайинланиши мумкин.

Олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида беш йиллик, жумладан, одатда судьялик лавозимида камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Қуролли Кучлар ҳарбий суди судьяси этиб тайинланиши мумкин.

Олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида етти йиллик, жумладан, одатда судьялик лавозимида камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси этиб сайланиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлик таркибидаги ҳарбий унвонга эга, ушбу модда талабларига жавоб берувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳарбий суд судьяси этиб тайинланиши мумкин.

Ҳарбий судлар судьяларига Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуни, ҳарбий низомлар, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ва мазкур Қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя чоралари татбиқ қилинади.

Фуқароларнинг яшаш ёки иш жойларидаги йиғилишларда очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикасининг 25 ёшга тўлган фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунида 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин. Халқ маслаҳатчилари ҳарбий қисм хизматчиларининг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан бир ярим йил муддатга сайланадилар.

Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан белгиланади.

Халқ маслаҳатчилари судларга ўз вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақириладилар, уларнинг иштирокида бошланган судлов ишини кўриб чиқишни тугаллаш зарурати туғилганида бу муддатни узайтириш ҳоллари бундан мустаснодир. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи корхона, ташкилот, муассасанинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, сақлаб қолинади.

**63-модда. Судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига биноан Олий Мажлис томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланадилар ёки тайинланадилар.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг хулосасига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимномасига биноан, хўжалик судлари судьялари эса — Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадилар.

Қуролли Кучлар ҳарбий суди ва гарнизон ҳарбий судларининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг хулосасига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяларининг сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар), ҳарбий, хўжалик судлари судьяларнинг сони тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди раиси тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

**64-модда. Судьялар қасамёди**

Илк бор судьялик лавозимига тайинланган (сайланган) шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қилади:

"Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, одил, ҳаққоний бўлишга тантанали қасамёд қиламан".

Судьялар қасамёди тантанали вазиятда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Қорақалпоғистон Республикасида эса, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи олдида қилинади.

Судьялар қуйидаги тартибда қасамёд қиладилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ва ҳарбий судлар судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисида, хўжалик судлари судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми мажлисида;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, туман (шаҳар) судлари судьялари — Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди Раёсати мажлисида.

**65-модда. Судьяларнинг ҳуқуқлари**

Судьялар:

одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини мансабдор шахслар ва фуқаролардан талаб қилишга;

давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари, илмий муассасалар ва ахборот марказларидан маълумотлар талаб қилиб олишга ҳақли.

Давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьянинг одил судловини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьянинг сўровига мувофиқ бепул берилади. Судьянинг талаб ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

**66-модда. Судьяларнинг бурчлари**

Судьялар фуқаролик, жиноий, хўжалик ва маъмурий ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мулклари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва одил бўлишлари шарт.

Судьялар ўз вазифаларини бажариш чоғида, шунингдек хизматдан ташқари муносабатларда одил судловнинг обрўсини тўкадиган, судьялик қадр-қимматига ёки унинг холислигига шубҳа туғдирадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан ўзларини тийишлари керак.

Судьялар ўзаро маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлисларини ўтказиш вақтида олинган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари Олий Мажлис депутати бўлолмайдилар.

Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ҳамда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

## 2-БОБ. СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ

**67-модда. Судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш**

Судьяларнинг мустақиллиги:

уларни қонун билан белгиланган тартибда сайлаш, тайинлаш ва озод қилиш;

судьялар даҳлсизлиги;

одил судлов қатъий тартибда амалга оширилиши;

қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;

судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашиш, судьялар даҳлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

судьяга унинг олий мақомига муносиб равишда давлат ҳисобидан моддий ва ижтимоий таъминот белгилаш орқали таъминланади.

**68-модда. Судьяга нисбатан қилинган ҳурматсизлик учун жавобгарлик**

Давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар, муассасалар,мансабдор шахслар, фуқаролар судьялар мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва шунга риоя этишлари шарт.

Судьяга ҳурматсизлик билдириш, шунингдек уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи ҳаракатлар қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

**69-модда. Суд ишларини ҳал қилишда аралашувга йўл қўйилмаслиги**

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай тарзда бўлмасин таъсир ўтказиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьядан кўрилган ёки судловда бўлган ишлар моҳияти бўйича тушунтиришлар беришни, шунингдек қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, кимга бўлмасин, ишни танишиб чиқиш учун тақдим этишни талаб этиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан башорат қилишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас.

# Деҳқоннинг меҳнати куймасин

**Мустақил давлатимизнинг иқтисодиётини тиклашда катта аҳамиятга эга бўлган қимматбаҳо маҳсулот — пахта ҳосилини сақлаш қай аҳволда? Тегишли корхоналарда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти? Ана шу саволларни ойдинлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнғиндан сақлаш бошқармаси янги мавсум давомида бир неча бор пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш давлат акционерлик уюшмаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли пахта тозалаш корхоналари тайёрлов пунктларини текшириб чиқди.**

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон пахта саноати ишлаб чиқариш ва сотиш бирлашмаси ва бир қанча пахта тозалаш корхоналари раҳбарлари томонидан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида бирмунча ишлар амалга оширилган.

Жумладан, Ўзбекистон пахта саноати ишлаб чиқариш ва сотиш бирлашмаси, Тошкентдаги "Факел" кичик корхонасидан пахта тозалаш корхоналари учун катта миқдорда бирламчи ўт ўчириш воситалари ва ўт ўчиришда ишлатиладиган анжомлар сотиб олган. Бундан ташқари ўт ўчириш машиналари ишлаб чиқарадиган завод билан 12 та ўт ўчириш машинаси бартер сифатида олинган. Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш давлат акционерлик уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ биргаликда тайёрлаган қарорга асосан республика ҳудудида жойлашган пахта сотиш, қайта ишлаб чиқариш корхоналари ва тайёрлов пунктларида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилди. Лекин пахта тозалаш корхоналарида, пахта пунктларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида уюшма томонидан катта ижобий ишлар олиб борилиши, керакли чора-тадбирлар қўлланишига қарамай, ҳали ҳам айрим корхоналарда ёнғин олдини олишга қаратилган ишлар тўла-тўкис бажарилмай келинмоқда. Ўтган йилги тайёр маҳсулотлар корхоналар ҳудудида пала-партиш, тартибсиз ҳолда сақланмоқда. Натижада корхоналар бу йилги мавсумда қониқарсиз ҳолда бўлиб, ёнғин чиққан тақдирда катта моддий зарар етказилиши мумкин.

Бухоро вилояти Қоракўл пахта тозалаш заводида (раҳбари Б. Давлатов) тола кипларини сақлашда ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилмоқда, кипларнинг устига брезент ёпилмаган, брезентларнинг ёнғинга чидамлилик даражаси оширилмаган, ишлаб чиқариш участкасида ички ўт ўчириш воситалари билан жиҳозланмаган, кичик механизация узаткич ременлари махсус қопқоқлар билан таъминланмаган, ёқилғи сақлайдиган омборхона ёнғин хавфсизлиги меъёр талабларига жавоб бермайди.

Когон пахта тозалаш заводи (раҳбари С. Муродов) ҳовлиси бирламчи ўт ўчириш воситалари билан, ёнғинда ишлатиладиган ички ўт ўчириш кранлари махсус ускуна, жўмрак ва енглар билан тўлиқ таъминланмаган; ҳовли қуруқ ўтлардан тозаланмаган, кипларнинг усти брезент билан ёпилмаган; тола тозалаш цехида электр симлар қоидага хилоф равишда ўрнатилган, енглар сақланадиган қутичалар ўрнатилмаган; тайёр маҳсулотлар сақланадиган жой бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланмаган; ёнилғи омборхонаси ёнғин хавфсизлиги меъёр талабларига жавоб бермайди.

Сурхондарё вилояти Узун пахта тозалаш заводи (раҳбари И. Аҳмедов) тайёр маҳсулотлар омборхонасидаги ички ўт ўчириш кранлари жўмраклар ва енглар билан таъминланмаган; сув ҳавзасида ўрнатилган НШН-600 таъмирланмаган, мавжуд ўт ўчириш гидрантлари таъмирланмаган; электр тарқаткич қутиларнинг эшиклари



резина мосламалар йўқлиги туфайли зич ёпилмайди; корхона ҳовлиси ёнувчан чиқиндилардан тозаланмаган, тола тозалаш цехида электр тарқаткич қутилари беркитилмаган, электр кабеллар уланган жойлар очиқ ҳолда, корхонага моторлардан ёғ оққан, қайтаргичларда учқун ўчирувчи мосламалар ўрнатилмаган, транспортларни киргизиш ҳоллари учраб турмоқда.

Шеробод пахта тозалаш корхонаси (директори Б. Жўраев) ҳудудида нормадан 7-8 маротаба ортиқ тайёр маҳсулот сақланмоқда, корхона ҳудудида пахта чиқиндиси (улюк) бир неча йиллардан бери пала-партиш ҳолда ётибди. Бу ерда ҳам тайёр маҳсулотлар майдони бирламчи ўт ўчириш воситалари билан тўла жиҳозланмаган, мавжуд ўт ўчириш машинаси носоз ҳолда турибди.

Бу корхонада 1992 йили ёнғин содир бўлиб, давлатга катта миқдорда моддий зарар келтирилган эди, лекин шунга қарамасдан корхона раҳбарияти ўзларига тегишли хулоса чиқариб олганлари йўқ. Ўт ўчириш хизматчиларини ташвишга солаётган бундай аҳвол, яъни меъёридан ортиқ тайёр маҳсулотларни сақлашга Қўқон, Нарпай, Навоий, Ҳазорасп, Урганч, Термиз, Пахтакор ва Гагарин пахта тозалаш корхоналарида ҳам йўл қўйиляпти. Мана шундай тайёр маҳсулотларнинг йиғилиб қолиши кўнгилсиз оқибатларга олиб келмоқда. Шу йилнинг 9 ноябрь куни Сирдарё вилоятидаги "Оқ олтин" темир йўл станциясида жўнатиш учун 48 тоннадан ошиқ тайёр маҳсулот ортилган вагонда ёнғин содир бўлиб 1,7 миллион сўмлик моддий зарар етказилган.

Ҳозирги кунда "Оқ олтин" станциясида 16 та тайёр маҳсулот ортилган вагонлар сақланмоқда. Уларни ўз вақтида таъмирлаш ва кўрсатилган манзилга жўнатиш масалаларига совуққонлик билан қараляпти. Агарда шу вагонларни жўнатишга тезкор чоралар кўрилмаса, бунинг натижаси янада даҳшатлироқ бўлиши мумкин.

Ёнғин хавфининг олдини олишда йўл қўйилган бепарволиклар Қизириқ, Шовот, Халқобод, Чимбой, Хўжайли, Навоий, Хатирчи, Қўқон, Қўрғонтепа, Бешкент, Косонсой, Каттақўрғон, Қодон, Челак, Оқолтин, Боёвут, Дўстлик, Пахтакор ва Гагарин пахта тозалаш корхоналарида айниқса кўпроқ учрайди.

Бу ерларда биринчи даражали ўт ўчириш асбобларини тўлиқ ҳозирлаш, электр линияларининг кучланишини ўлчаш ва ишдан чиққан жойларни таъмирлаш, моддий бойликлар сақланадиган омборларни ёнғиндан хабар берувчи мосламалар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш цехларидаги мавжуд ички ўт ўчириш жўмракларини керакли воситалар билан таъминлаш, ёғоч материалларига ёнмайдиган кимёвий суюқлик билан ишлов бериш каби тадбирлар бажарилмаган.

Ишчи ва хизматчилардан кўнгилли ўт ўчирувчилар дружиналари тузилмаган ва уларнинг жанговар вазифани бажаришлари йўлга қўйилмаган, ёнғин чиққанда улар ўз вазифаларини тўлиқ бажара олмайдилар, буни содир бўлган ёнғинлар мисолида кўриш мумкин.

Юқорида қайд этиб ўтилган корхона раҳбарларининг ёнғин хавфини пасайтириш ишларига етарли даражада эътибор бермасликлари оқибатида ёнғинни келтириб чиқарувчи асосий камчиликлар бартараф этилмай қолмоқда, бу эса ўз навбатида шу корхоналарда ёнғин чиқиш хавфини туғдирмоқда. Хўш, бу нима, лоқайдликми ёки бепарволикми, нега қоидалар асосида белгиланган ва кўрсатилган тадбирлар ўз вақтида, тўла-тўкис бажарилмаяпти, наҳотки шу раҳбар ходимлар қўл остиларидаги корхоналарда ёнғин чиқса қанчалик даҳшатли бўлишини ҳалигача тушуниб етишмаётган бўлишса?

Шу янги мавсум ҳосилини йиғиб-териб олиш ва уни қайта ишлаш вақтида 31 та ёнғин содир бўлиб давлатимизга анчагина моддий зарар келтирилган. Шу йилнинг 17 октябрь куни Навоий вилояти Хатирчи тумани Ибн-Сино жамоа хўжалиги 1-бригадасининг пахта майдонида тўртта ўқувчининг гугурт ўйнашларидан ёнғин чиқиб, тўртала ўқувчи ҳалок бўлган. 28 октябрь куни Жиззах вилояти Арнасой тумани "Бобофайзиев" давлат хўжалиги пахта пунктида трактордан чиққан учқундан ёнғин содир бўлиб, 150 килограмм пахта ёнган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида қайд этилган камчиликлар ўз вақтида Ўзбекистон пахта тозалаш саноати ишлаб чиқариш ва сотиш бирлашмаси, қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят бошқармалари ва пахта тозалаш корхоналари раҳбарларига кўрсатилган эди. Ёнғин назорати ходимлари томонидан 225 корхона, кичик механизм ва айрим участкаларнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилган, 1563 та жойда ёнғин хавфсизлиги қоидасига тўғри келмайдиган электр тармоқлари муҳрланган, 1105 та корхона раҳбарлари ва жавобгар шахсларга маъмурий жарима солинган.

Агар шу бирлашма, вазирлик ва жойлардаги бошқармалар томонидан мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз вақтида тадбирлар ишлаб чиқилганда бундай аҳвол юзага келмаган бўлар эди. Натижада ҳозирги кунда кўпгина пахта тозалаш корхоналари ёнғин чиқиш хавфи остида ишламоқда.

Хўш, меҳнаткаш халқимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган пахтани сақлаш ва уни қайта ишлашда, ҳозирги вақтда республикамиз учун бу маҳсулот катта аҳамиятга эга эканлигини била туриб, шундай совуққонликка йўл қўйиб бўладими? Албатта йўқ.

Негадир ҳамма соҳа бўйича, фожиа, офат рўй бергандан кейингина уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиб, бажарилади. Пахта саноатида ҳам шундай. Давлат ёнғиндан сақлаш назорати ходимлари ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, корхона фаолиятини тўхтатганларидан ёки ёнғин содир бўлганидан кейингина елиб-югурадилар.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишларига совуққонлик билан қараш — жиноят билан тенгдир. Чунки бугунги мустақил республикамизнинг иқтисодий шароитини кўтаришда пахта маҳсулотлари муҳим роль ўйнайди ва уни асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Р. ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁСБ катта муҳандиси, ички хизмат катта лейтенанти.**

## Холмуҳаммад Ҳасанов

1993 йил 27 ноябрда узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг Самарқанд вилояти ички ишлар идораларининг энг кекса ходимларидан бири, ўз ҳаётининг 30 йилдан зиёдини ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги хизматга бағишлаган истеъфодаги милиция подполковниги Холмуҳаммад Ҳасанович Ҳасанов вафот этди.

Х. Ҳасанов 1910 йил 12 январда Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳрида деҳқон оиласида дунёга келди.

У 1929 йили Қуролли кучлар сафига чақирилди ва хизматни 1943 йили бўлинма командири лавозимида тугатди.

Х. Ҳ. Ҳасановнинг бундан кейинги бутун таржимаи ҳоли ички ишлар идораларидаги фаолият билан чамбарчас боғланган. Ана шу йиллар ичида у оддий ходимликдан Самарқанд шаҳар ижроқўми милициясининг бўлим бошлиғи ўринбосарлигигача бўлган йўлни босиб ўтди.

У умрининг охиригача шахсий таркибини байналмилал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир катта иш олиб борди, ўзининг бой ҳаётий тажрибасини ёш ходимларга ўргатди, уларга касб маҳоратларини оширишда ёрдам берди. Айни вақтда вилоят ички ишлар идоралари фахрийлари Кенгашининг раиси вазифасини бажарди.

Х. Ҳ. Ҳасановнинг фидокорона меҳнати ҳукуматнинг кўплаб мукофотлари билан тақдирланди. Уни билган кишилар хотирасида Х. Ҳ. Ҳасановнинг ёрқин сиймоси абадий сақланиб қолади.

**Бир гуруҳ дўстлари.**

## Қидирилмоқда



Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ томонидан 1950 йилда Новосибирскда туғилган, Новосибирск шаҳридаги Герцен кўчаси, 6/1-уйнинг 221-хонадонида яшовчи, "Станнум" фирмасининг директори **Валерий Леонидович Ткачук** қидирилмоқда. У 1993 йилнинг 9 ноябрида соат 11 яримларда Волгоград кўчасида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганларга ўрнатилган ёдгорлик яқинида дараксиз йўқолган.

**Белгилари:** бўйи 170 см, юзи чўзинчоқ, сочлари тўғри, оқиш, қошлари ва бурни тўғри, лаблари юпқа, иягида чуқурчаси бор, кўзлари ҳаво ранг.

**Кийими:** қора чарм пальто, жинси шим, тўқилган кулранг ёқасиз фуфайка, тўқилган кулранг кофта, оёғида оқ чарм кроссовка.

**Алоҳида белгилари:** чап қўлидаги тўртта бармоғининг суягида "ЛЮБА" деган ёзув бор.

В. Л. Ткачукнинг қаердалигидан воқиф бўлганлардан бу ҳақда 55-98-21, 55-95-08, 55-94-96 ёки 02 рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.

1989 йилда Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманидаги 24-ўрта мактаб томонидан **Ортиқой Сидиқходжаевна Ахунова** номига берилган 8 синфни битирганлик тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

***

1993 йили Тошкент шаҳридаги 268-ўрта мактаб томонидан **Низомиддин Зиявитдинович Камолов** номига берилган 9 синфни битирганлик тусрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар ИИББ Пост-патруль хизмати 1-рота милиционери, милиция катта сержанти Абдуҳамид Эргашевга укаси

**Маҳмуд ЭРГАШЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

**Бир гуруҳ дўстлари.**


- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

**Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 710, 33.130 нусхада босилди.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

**Обуна рақами — 64615.**

**Муҳаррир ўринбосари Сиддиқ СУЛАЙМОНОВ**

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.**

*«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.*
*Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.*

1, 2, 3, 4, 5, 6.